



«Т А С Д И Қ Л А Й М А Н»

«Ўзтемирйўл назорат» инспекцияси  
бошлигининг ўринбосари

А.А.Абдурахманов

» \_\_\_\_\_ 2022 йил

**«ХАВФНИ ТАҲЛИЛ ЭТИШ ВА РАҚАМЛИ НАЗОРАТ»  
АХБОРОТ ТИЗИМИНИНГ ТЕХНИК ТОПШИРИҒИНИ  
ИШЛАБ ЧИҚИШ ТАНЛОВИ (ХАРИДИ) ЮЗАСИДАН  
ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФЛАРНИ ТАНЛАШ БЎЙИЧА  
ТЕХНИК ҲУЖЖАТЛАРИ**

Тошкент 2022

**«ХАВФНИ ТАҲЛИЛ ЭТИШ ВА РАҚАМЛИ НАЗОРАТ» АХБОРОТ  
ТИЗИМИНИНГ ТЕХНИК ТОПШИРИҒИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ  
ТАНЛОВИ (ХАРИДИ) ЮЗАСИДАН  
ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФЛАРНИ ТАНЛАШ БЎЙИЧА  
ТАЛАБЛАР**

**Атамалар ва уларни таърифи**

**Тизим фойдаланувчисини “авторизация”** - бу тизим фойдаланувчисини тизимга кириш учун унинг логин ва пароли ёрдамида идентификация қилиш ва аутентификациядан ўтказиш жараёни.

**Тизим фойдаланувчисининг “логини”** - бу идентификациялаш учун зарур бўлган тизимдаги фойдаланувчининг исми.

**Тизим фойдаланувчиси “пароли”** - тизимга кириш ҳуқуқини олиш ва ҳимоя учун фақат фойдаланувчига маълум бўлган белгилар тўплами.

**Тизим фойдаланувчиси “роллари”** - бу тизимда ушбу фойдаланувчи учун мавжуд бўлган функциялар.

**Хавфсизлик сиёсати созиламалари** - маълум бир фойдаланувчининг маълумотларга кириш ҳуқуқини белгилайдиган созиламалар гуруҳи (ҳар бир роль учун ўзига хос).

**Маъмурий бошқарувчи (администратор)** - Тизим маъмури, бу компьютер ускуналари, тармоқлари ва дастурий таъминот парки нормал ишлашини таъминлаш вазифасига кирадиган ходим.

**Умумий маълумот**

**Ахборот тизимининг тўлиқ номи ва унинг шартли белгиси**

Тўлиқ номланиши: Хавфни таҳлил этиш ва рақамли назорат ахборот тизими

Шартли белгиланиши: ХТЭ ва РН ахборот тизими.

Ушбу ҳужжатда кейинчалик яратилаётган тизимга қуйидаги номлар ҳам қўлланилади: Ахборот тизими, АТ.

**Буюртмачи ва ахборот тизимини яратувчи ташкилотлар номи ва уларнинг тафсилотлари**

**Буюртмачи ташкилот номи:** Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Темир йўлларда юк ва йўловчилар ташиш хавфсизлигини назорат қилиш инспекцияси

**Ахборот тизимини яратувчи ташкилот (пудратчи):** ХТЭ ва РН ахборот тизимини яратиш бўйича пудратчи тендер (танлов) савдолари натижалари бўйича аникланади.

**Ахборот тизимини яратиш учун асос бўлган ҳужжатлар руйхати, тасдиқланганлиги ҳақида маълумот:**

Ушбу техник топшириққа қўйиладиган талаблар, технологик ва техник ечимлар қуйидаги меъёрий ҳужжатлар ва ҳужжатларда белгиланган ва ўрнатиладиган масалаларга мос келиши керак (зид эмас) ва ўз ечимини



топиши керак:

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 июлдаги ПФ-5490 сонли “Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони;

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 октябрдаги ПФ-6079 сонли “«Рақамли Ўзбекистон - 2030» стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони;

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 3 февралдаги ПФ-6155 сонли “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясини «Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили»да амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисида”ги Фармони;

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 19 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Фуқаро авиацияси агентлиги, Темир йўлларда юк ва йўловчилар ташиш хавфсизлигини назорат қилиш инспекцияси ва Йўл-қурилиш ишлари сифатини назорат қилиш инспекцияси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги қарори;

-“Ўзтемирйўлназорат” инспекцияси фаолиятини 2021 йилда инновацион ривожлантириш бўйича «Йўл харитаси».

### **Ахборотлаштириш объекти ҳақида қисқача маълумот**

Ҳужжатларга мувофиқ, ишлаб чиқилган Тизимни ахборотлаштириш объекти Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Темир йўлларда юк ва йўловчилар ташиш хавфсизлигини назорат қилиш инспекцияси ҳисобланади.

Тизимда фойдаланиладиган ахборотлар “хизматда фойдаланиш учун” маълумотлар тоифасига киради.

Қуйидагилар «Ўзтемирйўлназорат» инспекциясининг асосий вазифалари ҳисобланади:

умумий фойдаланишдаги темир йўл транспортида ва темир йўл транспорти соҳасида фаолият юритадиган юридик шахсларнинг шохобча йўлларида юк ва йўловчилар ташиш хавфсизлигини таъминлаш юзасидан давлат назоратини амалга оширади;

темир йўл транспорти корхоналари ва ташкилотлари томонидан темир йўлларда юк ва йўловчилар ташиш хавфсизлигини таъминлашга, темир йўл транспортининг ҳаракатланувчи таркиби, техник воситаларини сақлаш, хизмат кўрсатиш, таъмирлаш ва улардан фойдаланишга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талаблари ижросини назорат қилади;

темир йўл транспорти корхоналари ва ташкилотлари томонидан темир йўлларда поездлар ҳаракати хавфсизлигини таъминлашга ва темир йўлда ташишлар хавфсизлигини таъминлайдиган техник воситаларнинг



ишончилигини оширишга қаратилган комплекс профилактика чоратadbирлари белгиланган муддатларда бажарилиши юзасидан давлат назоратини ишлаб чиқади ва амалга оширади;

темир йўл транспорти объектлари, маҳсулотлари ва технологияларининг белгиланган талабларга мувофиқлиги юзасидан уларни доимий ёки вақтинча фойдаланишга қабул қилишда иштирок этади;

поездлар ҳаракати хавфсизлиги талабларини бузиш ҳолатлари бўйича темир йўл транспорти корхоналари ва ташкилотлари томонидан олиб бориладиган хизмат текширувларининг тўғрилигини назорат қилади (ҳалокатга учраш ва авариялар бундан мустасно);

темир йўл транспорти корхона ва ташкилотлари томонидан поездлар ҳаракати хавфсизлиги қоидаларининг бузилиш ҳолатларини ҳисобга олади ва таҳлил қилади, шунингдек, темир йўлларда ташишлар хавфсизлиги ҳолати тўғрисида уларни хабардор қилади;

умумий фойдаланишдаги темир йўл транспорти корхоналари ва ташкилотларида қозонхона объектлари, кўтариш иншоотлари ва ўлчаш тизимларини сақлаш, улардан хавфсиз фойдаланиш бўйича техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва норматив ҳужжатларга риоя этилишини назорат қилади;

темир йўл транспорти корхоналари ва ташкилотлари томонидан темир йўлларда ташишлар хавфсизлигини ошириш бўйича тармоқ дастурларининг ижросини назорат қилади;

темир йўл транспортида ташишлар хавфсизлигини таъминлаш, ҳаракатланувчи таркибни, темир йўл транспортининг техник воситаларини сақлаш, уларга хизмат кўрсатиш, таъмирлаш ва улардан фойдаланиш бўйича техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда норматив ҳужжатларни белгиланган тартибда ишлаб чиқади;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳаракат хавфсизлиги талабларининг бузилиши ва уларнинг сабаблари юзасидан хизмат текширувини ўтказиш таснифи ҳамда тартиби бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни белгиланган тартибда ишлаб чиқади;

умумий фойдаланишдаги темир йўл транспортида поездлар ҳаракати хавфсизлигини техник ва технологик назорат қилишни таъминловчи умумий фойдаланишдаги темир йўл транспортининг таркибий бўлинмалари фаолиятига услубий ёрдам кўрсатади;

назорат функцияларини амалга оширишда тадбиркорлик субъектлари, шунингдек, истеъмолчиларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари устуворлиги ҳимоя қилинишини таъминлайди;



## ХУЛОСА

### ТЕХНИК ҲУСУСИЯТЛАР

Техник топшириқ “O'z DSt 1987:2018 Ахборот технологияси. Ахборот тизимини яратишга техник топшириқ.” давлат стандарти ва бошқа Ўзбекистон Республикасида белгиланган қонунчилик ҳужжатлари асосида ишлаб чиқилади.

Техник топшириқ учун Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг хулосаси олингандан сўнг танлаш шартлари тўлиқ бажарилган ҳисобланади.